

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Абдуллаева Насиба Бўроновна

ЎзМУ Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси

профессор в.б.,ф.ф.д

АННОТАЦИЯ

Мақолада олий ўқув юртларида талабалар мустақил ишини ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари, уларни ижодий қобилиятини ривожлантириши, илмий ишга йўналтиришнинг аҳамияти баён этилган. Талабалар мустақил ишининг мазмуни, кўринишлари, уларни ташкил қилишнинг усуллари хусусида маълумот берилган. Талабаларда назарий билимларни чуқурлаштириши ва кенгайтириши, ҳамда махсус адабиётлардан фойдаланиши кўникмаларини, мустақил фикрлашни шакллантиришида мустақил ишнинг ўрни кўрсатилган.

Калит сўзлар: мустақил иш, билим, ижодий қобилият, дунёқараши, илмий фаолият, тизимлилик, эссе, тақдимот

АННОТАЦИЯ

В статье раскрыты особенности организации самостоятельной работы студентов в высших учебных заведениях, важность развития их творческих способностей, направления их на научную работу. Предоставляется информация о содержании, формах и методах организации самостоятельной работы студентов. Показана роль самостоятельной работы в углублении и расширении теоретических знаний студентов, навыков использования специальной литературы, формирования самостоятельного мышления.

Ключевые слова: знание, самостоятельная работа, творческие способности, мировоззрение, научная деятельность, системность, эссе, презентация

ABSTRACT

The article reveals the features of organizing independent work of students in higher educational institutions, the importance of developing their creative abilities, and directing them to scientific work. Information is provided on the content, forms and methods of organizing students' independent work. The role of independent work in deepening and expanding students' theoretical knowledge, skills in using specialized literature, and developing independent thinking is shown.

Keywords. knowledge, knowledge, independent work, creativity, worldview, scientific activity, consistency, presentation

КИРИШ

Мамлакатни барқарор ривожлантириш юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари ҳисобланади. Бу вазифалар таълим сифатини ошириш, таълим жараёнини халқаро талабларга мослаштириш, ўқув ишларини бозор эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил этиш, олий таълим муассасаларида ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан талабаларни илмий ишга йўналтирувчи мустақил ишларни ташкил этиш долзарб масалалардан саналади.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Мустақил ишларнинг мазмуни ва кўринишлари таҳлил қилиш;
- Олий ўқув юртларда мустақил ишларни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш;
- Мустақил ишларни талабаларни илмий тадқиот ишига йўналтирувчи жараён эканлигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Олий ўқув юртларида талабалар мустақил ишини ташкил қилиш масалалари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар учун назарий-методологик манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Методлар. Талабалар мустақил ишларни ташкил қилиш масалаларини ўрганишда мантикийлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, таққослаш каби усуллардан фойдаланилган.

Илмий муаммони қўйилиш. Талабалар илмий ишини, мустақил ишини ташкил қилиш бўйича замонавий олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, МДХ мамлакатларида В.П.Беспалько, С.Е. Каменецкий, Н.С.Пурьшева, Н.Е.Важеевская, П.И.Пидкасистый, Ф. К. Савина, Б.Н. Гузанов, Л.К. Наумовалар талабалар илмий фаолияти, мустақил таълимни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтишган ¹

¹. Беспалько В. П. Образование и обучение с участием компьютеров (педагогика третьего тысячелетия). — М.: Издательств-во Московского психолого-социологического института; Воронеж: Издательство НПО «МОДЭК», 2002. 3. Каменецкий С. Е., Пурьшева Н. С., Важеев-ская Н. Е. Теория и методика обучения физике в школе: общие вопросы. — М.: Академия, 2000. 4. Пидкасистый П. И. Организация учебно-познавательной деятельности студентов. — М.: Педагогическое общество России, 2005. Самостоятельная работа студентов в условиях многоуровневого педагогического образования / сост. Ф. К. Савина. — Волгоград: Перемена, 1993. , Гузанов, Борис Николаевич. Г93 Организация самостоятельной работы студентов вуза в условиях реализации многоуровневой модели обучения: монография / Б. Н. Гузанов, Н. В. Морозова. Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.- пед. ун-та, 2014. 158 с. Наумова Л. К. Организация самостоятельной работы магистрантов: направление «Педагогика»: диссертация ... кандидата педагогических наук / Л. К. Наумова. Санкт-Петербург, 2006. 169 с

Ўзбекистонда О.А.Кўйсинов, Н.А.Муслимов, Ш.И.Йўлдашев, Д.Р.Каримова, Н.О.Жўраева, Г.М.Мусаханова, Р.Р.Хусаинов, Г.Н.Ибрагимова, Н.Суёнов, С.А Болтабоевлар таълим муассасаларида кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этиш ва назорат қилишга қаратилган бўлиб, уларнинг мустақил фикрлашларини шакллантириш усул ва услубларини кўрсатиб ўтишган².

Илмий тадқиқот методологияси масалалари ўзбек файласуф олимлари Н Ўзбек олимларидан Н.А.Шермухамедова, З.Давронов, З.Муҳамедова, И. Саифназаровлар илмий тадқиқот ва билиш жараёни уйғунлиги, илмий ижод, инновация ва новацияларнинг ўзаро алоқадорлиги, олимнинг ижтимоий масъулияти муаммоларини тадқиқ этишган. И С.Аллаярова, Н. Қаюмовалар талабалар илмий тадқиқот ишини ташкил этишга доир илмий изланишлар олиб боришган.³

Инновацион таълим, хемис тизими шароитида талабаларда мустақил таълимни ташкил этиш муаммолари етарлича таҳлил этилмаган. Ушбу мақолада олий таълимда талабалар мустақил ишини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилади.

АСОСИЙ ҚИСМ.

Олий таълимнинг асосий вазифаларидан бири ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини тарбиялаш, тадбиркорлик ва инновацияларга қодир мутахассиснинг ижодий шахсини шакллантиришдир. Ушбу мақсадга эришишда мустақил иш муҳим рол ўйнайди. Талабалар мустақил ишининг асосий вазифаси

² О.А.Кўйсинов, Н.А.Муслимов. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. Монография. — Т.: «Фан», 2009. — 92 б. 2. О.А.Кўйсинов. Касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий-методик асослари: Дис. ... пед. фан. ном. — Т.: ТДПУ, 2008. — 160 б. 3. Ш.И.Йўлдашев. Талабаларнинг мустақил таълимнинг замонавий ўқув жараёнида аҳамияти ва ўрни // Услубий қўлланма. — Т.: ЎЗМУ, 2022. — 41 б. 4. Д.Р.Каримова. Кредит-модуль тизимида мустақил таълим // Услубий қўлланма. — Тошкент: ООО «Complex Print», 2021. 126 бет. 5. Н.О.Жўраева. Таълим жараёнида мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш бўйича айрим кўрсатмалар//Таълим ва инновацион тадқиқотлар. 2021.№3. — 172 б. 6. Г.М.Мусаханова. Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 2020. №6. — 222-224 б. 7. Р.Р.Хусаинов. Олий таълимда фанларни ўқитиш сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли // Замонавий таълим. 2016. №4. — 25-32 б. 8. Г.Н.Ибрагимова. Олий таълим тизимида интерфаол технологиялар воситасида талабалардаги ижодий фикрлашни ривожлантириш // Замонавий таълим. 2017.№4. — Б. 30-35. 9. Н.Суёнов. Му . Болтабоев С.А. Бўлғуси касб таълим талабларида ахборотдан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш технологияси. Монография. - Т.: Низомий ТДПУ, 2016. 5. Муслимов Н.А., Кўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. Монография. Т.: «Фан», 2009.

³Н.Шермухамедова. Илмий тадқиқот методологияси. Тошкент 2021.И. Саифназаров Г.В.Никитченко, Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси. Ўқув қўлланмаси – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. З.Давронов Илмий ижод методологияси. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. -16 б. З.Муҳамедова. Таълим фалсафаси. –Тошкент: ТошМИ, 2004. – Б.14-15.С. Аллаярова . Талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятига таъсир этувчи омиллар. Таълим, фан ва инновация. 2020 йил №4сон,-11-15 б.Н.Қаюмова. Олий таълим муассаслари талабаларини илмий тадқиқот ишига йўналтириш муаммолари ва уларнинг ечимлари. Замонавий таълим. 2018 №11 Б.9.

фундаментал билимларни, касбий кўникмаларни, ижодий ва илмий-тадқиқот фаолиятидаги тажрибани ўзлаштиришдир. Талабаларнинг мустақил иши ўқув жараёнининг асосий таркибий қисми бўлиб, у компетенцияларни шакллантириш, муаммони ҳал қилишнинг энг яхши усулларини танлаш ва интерфаол ёндашувга асосланган усулни амалга ошириш учун фанлараро алоқалардан фойдаланишга асосланади.

Мустақил таълим талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиради. Ўз тадқиқотларини тенгдошлари билан муҳокама қилиш орқали танқидий фикрлаш кўникмалари ҳам ривожланади. Талабалар фанга тегишли билимларни 40-50 фоизини бевосита мустақил ўрганиш орқали ўзлаштиради. Мустақил таълим ўқувчиларга табақалаштирилган топшириқлар бериш имконини ҳам беради. Мустақил иш-бу топшириққа мувофиқ ва ўқитувчининг услубий раҳбарлиги билан, лекин унинг бевосита иштирокисиз амалга ошириладиган талабаларнинг режалаштирилган иши. У ўқитувчи томонидан ташкил этилган, белгиланган дидактик мақсадга махсус белгиланган вақтда эришишга қаратилган талабаларнинг ҳар қандай фаолияти: билимларни излаш, уларни тушуниш, мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш, билимларни умумлаштириш ва тизимлаштиришни қамраб олади.

Талабаларнинг мустақил ишларининг уларнинг билим фаолиятидаги ўрни ниҳоятда катта, шунинг учун ўқитувчилар унга катта эътибор беришлари бежиз эмас. Мустақил иш, кўплаб олимларнинг фикрига кўра, талабаларнинг назарий ва амалий билимларни ўзлаштиришга онгли муносабатини тарбиялайди, интенсив интеллектуал меҳнат одатини сингдиради. Мустақил ишнинг асосий кўникмалари ва қобилиятлари ўрта мактабда шаклланиши керак. Бироқ, амалиёт барча мактабларда ҳам бу масалага эътибор қаратилмаганини кўрсатмоқда. Кўпчилик талабалар мактабдан кейин олий таълимда ўқишнинг янги шароитларига кириб, дарҳол уларга мослашмайдилар, улар мустақил иш усулларини танлашда адашадилар. Буни биз ўқиш жараёнида кузатишимиз мумкин. Керакли ўқув маълумотларини қабул қилиш, тушуниш, қайта ишлаш, талқин қилиш ва аниқлаш улар учун қийинчилик туғдиради, бу эса талабаларнинг мустақил ишлашга психологик тайёргарлиги йўқлигидан далолат беради. Бу ўқитувчиларга мустақил таълимни талабаларга тўғри тушунтириш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилаш масъулиятини ҳам юклайди.

Мустақил иш қуйидаги мақсадларда олиб борилади: талабаларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини тизимлаштириш ва

мустаҳкамлаш; назарий билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш; норматив, ҳуқуқий, маълумотнома ҳужжатлари ва махсус адабиётлардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш; талабаларнинг билим қобилиятлари ва фаоллигини ривожлантириш; ижодий ташаббус, мустақиллик, масъулият ва ташкилотчилик; амалий касбий фаолиятни ҳал қилиш кўникмаларини эгаллаш; мустақил фикрлашни шакллантириш, ўзини ўзи ривожлантириш, ўзини такомиллаштириш ва ўзини ўзи англаш; лойиҳа, тадқиқот кўникмаларини ривожлантириш.

Белгиланган мақсадлар кўникмаларни луғатлар ва маълумотномалар билан ишлаш; аудио ва видео ёзувлардан фойдаланиш; электрон ва ахборот ресурслари ва интернет ресурслари билан ишлаш; меъёрий ҳужжатлар билан танишиш; компьютер дастурларининг хусусиятлари ва функцияларини ўрганиш; матнни ёзиб олиш; луғат тузиш; тақдимотлар яратиш; билимларни мустаҳкамлаш, тизимлаштириш ва кўникмаларни шакллантириш; ўқув материални таҳлил қилиш (маъруза ёзувлари, дарслик, бошланғич манба, қўшимча адабиётлар) вазифалар орқали амалга ошириб борилади.

Мустақил иш келажакдаги мутахассиснинг когнитив фаолиятини ривожлантириш учун шакл, усул, восита ва шарт сифатида ишлайди. Талабанинг мустақил ишининг мазмуни ва ҳажми давлат таълим стандарти талаблари, мутахассислик (ўқув соҳаси) ўқув дастурлари ва аниқ фанлар дастурлари билан белгиланади. Мустақил ишнинг куйидаги асосий услубий тамойиллари мавжуд: -мақсадга мувофиқлик, изчиллик, тизимлилик, изчиллик, самарадорлик, фойдалилик; янги билимларни ўзлаштириш, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида илгари олинган билимларни чуқурлаштириш ва такрорлаш; ўрганилаётган фанлар бўйича амалий кўникмаларни, шунингдек, бўлажак мутахассислик бўйича касбий кўникмаларни шакллантириш; олинган билимларни, кўникмаларни амалда қўллаш.

Мустақил иш бу талабаларга билимларни излаш, эгаллаш ва ўзлаштиришнинг мураккаб кўп қиррали индивидуал ижодий жараёни. Дунёқараш нуқтаи назаридан, ушбу турдаги когнитив фаолиятнинг замонавий таълим ва касбий фаолиятидаги ўрни тушунилади, услубий жиҳатдан мустақил иш асосланиши керак бўлган тамойиллар асосланади. Методика мустақил ишни амалга оширишнинг ўзига хос шакллари ва усулларини очиб беради ва услубий тавсиялар муайян педагогик вазиятда мустақил иш усулларидан фойдаланиш бўйича амалий маслаҳатларни ўз ичига олади. Методология ва услубий

тавсияларни биргаликда кўриб чиқиш одатий ҳолдир, чунки улар бир хил жараён - натижаларга эришишнинг амалий усуллари дир .

Мустақил ишнинг моҳияти, мазмуни ва функцияларини ҳар томонлама тушуниш, энг муҳими, ундан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш учун билимларни эгаллашнинг ушбу шаклининг барча жиҳатларини ҳисобга олиш керак. Бу олий таълимнинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, унда талабаларнинг шахсий иқтидори ва сифат хусусиятларини ривожлантириш тақозо этилади. Талаба мустақил ишининг табиати ва сифати, уни талабалар томонидан тушунишга ғоявий, услубий ёндашувлар маълум даражада ҳар бир ўқитувчига ва кафедрага боғлиқ. Шунинг учун талабаларнинг мустақил ишларини кўриб чиқиш ўқитувчи ва кафедранинг уни ташкил этиш ва амалга оширишдаги ролини аниқлаштириш шароитида амалга оширилиши керак. Ўқитувчи ҳукмронлик қилмаслиги ва ўз нуқтаи назарини талабага юклаганлиги керак. Унинг роли тавсиялар, мустақил иш жараёнида талабалардан келиб чиқадиган саволларга жавоблар, индивидуал топшириқларнинг вақти ва сифатини назорат қилишдан иборат бўлиши керак.

Талаба, шунингдек, кафедра (ўқитувчи) унга мустақил ишда қандай ёрдам кўрсатиши, ушбу иш устидан назорат ва у бўйича ҳисобот қандай амалга оширилиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. Талаба тизимли, деярли ҳар куни, мустақил равишда билим излашда нима қилиш кераклигини ва буни қандай қилиш кераклигини аниқ тушуниши керак. Ушбу жараён мустақил ишни муваффақиятли ташкил этиш ва тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Имконсиз вазифаларни бермаслик керак, улар аста-секин мураккаблашиши лозим.

Мустақил ишнинг уч даражаси репродуктив, самарали ва ижодий мавжуд бўлиб уларни босқичма босқич бажариш тақозо этилади. Янги билимларни ўзлаштириш, чуқурлаштириш ва такрорлаш, илгари олинган билимлар, танланган даражаларнинг ҳар бирида уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш учун мустақил ишнинг турли шакллари тақдим этилади.

Биринчи босқичда вазифалар, мисоллар, вазиятларни (ишнинг репродуктив табиати) ҳал қилиш тавсия этилиши керак. Иккинчи босқичда алоҳида фрагментларни тайёрлаш ва ишбилармонлик ўйинида маълум бир ролни бажариш, иллюстратив материалларни ишлаб чиқиш, ўз ичига олади. Учинчи босқич даража тадқиқот вазифаларини мустақил шакллантириш, тадқиқот усуллари танлаш, назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш кўникмаларини шакллантиришни таъминлайди.

Биринчи босқичда турли манбалардан таълим маълумотларини идрок этиш, матнли хулосани тайёрлаш, билимларни репродуктив такрорлаш каби иш турларини ўз ичига олиши керак. Иккинчи босқич талабанинг ўрганилган материални тушуниши натижалари асосида хулоса тайёрлаш, ўқилган китоб (мақола) режасини тузиш, библиографик рўйхатни тузиш, кўчирма ва иқтибослар шаклида илмий маълумотларни тўплаш қобилиятини назарда тутати ва ҳоказо. Ушбу кўникмаларга эга бўлган талабаларга ўқув материални таснифлаш, технологик ва бошқа схемалар, диаграммалар, графикалар, картограммалар, жадваллар, чизмалар шаклида тақдим этиш тавсия этилиши керак. Ушбу босқичдаги индивидуал вазифалар қуйидагилар бўлиши мумкин: ўқитувчи томонидан тақлиф қилинган саволларга оғзаки ва ёзма жавобларни тайёрлаш, ўрганилган материал бўйича саволлар тузиш, тематик луғат тайёрлаш, ўқув материални билишни талаб қиладиган кроссвордларни ечиш ва тузиш, курсдошларнинг ёзма ишларини кўриб чиқиш ва баҳолаш. Учинчи босқичда вазифалар янада мураккаблашади: тезислар, шарҳлар, маълумотномалар, рефератлар, маърузалар тайёрлаш, илмий ва ўқув адабиётларини кўриб чиқиш ва ҳк.

Албатта юқорида таъкидлаганимиздек мустақил иш мазмуни талабаларнинг мустақил иши уларнинг мутахассислигидан ва фанлар мазмунидан келиб чиқиб ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, Ўзбекистон Миллий университети фалсафа йўналиши талабаларига мустақил таълим сифатида фанлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда мутафаккирларнинг асарлари бўйича эсселар ёзиш, маданият фалсафаси фанидан эса ҳар бир талабанинг ўзи туғилган шаҳар, вилоят маданиятига оид тақдимот, видеороликлар тайёрлаш, нафосат фалсафаси фани доирасида тасвирий санъат кўргазмаларида иштирок этиш, риторика фанидан ёзувчи, шоирлар адабий кечаларида иштирок этиш каби вазифалари берилишини мисол келтириш мумкин. Бу талабаларни асл манбалар билан ишлаш, мустақил фикрлаш, ўз нутқини такомиллаштириш, санъат асарларини герменевтик таҳлил қилиш, вилоятлар этномаданияти ҳақида кенгроқ билимга эга бўлишига ёрдам беради.

Талаба ва педагог мустақил таълим уларнинг манфаати учун олиб борилишини тушуниши керак. Талаба бажараётган мустақил иш педагог учун эмас, балки ўзи учун, унинг келажакдаги муваффақиятини таъминлашининг асосий омили эканлигини тушуниши керак. Талаба олаётган билим натижасига ўзи масъуллигини англаши зарур.⁴

⁴ Р.Р.Хусаинов. Олий таълимда фанларни ўқитиш сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли // Замонавий таълим. 2016. №4. — 25-32 б.

Мустақил ишни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимли ва асосли бўлиши керак ва ўқитувчи, кафедра мудирлари ва вақти-вақти билан ўқув бўлими томонидан амалга оширилиши керак. Баҳолаш мезонлари ўқитувчи томонидан белгиланади ва талабалар эътиборига етказилади. Талабанинг мустақил иши натижаларини баҳолаш мезонлари қуйидагилар бўлиши мумкин;

- талабанинг ўқув материални ўзлаштириш даражаси;
- талабанинг амалий топшириқларни бажаришда назарий билимлардан фойдаланиш қобилияти;
- тақдимотининг асослилиги ва равшанлиги;
- материалнинг дизайни стандартлар талабларига мувофиқ;
- фанни ўрганишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ компетенцияни шакллантириш даражаси

Ўқитувчи томонидан берилган мустақил таълим бўйича индивидуал топшириқлар бажарилиши ва интизомни баҳолашда ҳисобга олиниши керак. Бажарилган вазифа бўлмаса ёки муддатлар бузилган тақдирда ўқитувчи баҳони пасайтириш ҳуқуқига эга. Ушбу жиҳат фан дастурида кўрсатилиши керак.

Бугунги кунда олий таълим тизимида мустақил таълим соатлари улушини камлиги, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шаклланмаганлиги, ўқув жараёнида талабаларда ташкилотчилик қобилияти, компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш замон талабига мос келмаслиги асосий муаммолар қаторига киради. Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш имкониятларини йўлга қўйиш лозим.⁵

Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари уларни юзага келатган назарий ва амалий муаммоларни оқилона ва самарали ҳал эта оладиган ижодкор шахслар сифатида шакллантиришга хизмат қилади. Бўлажак мутахассисларда тадқиқотчилик кўникмаларининг бўлиши-юқори малакали кадрларга қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки, бирор бир соҳада тадқиқотчи кадрлар фаолият юритмас экан, бу соҳада янгиликлар, ривожланишлар, самарадорлик кўрсаткичлари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас⁶.

Хулоса қилганда,

⁵ Г.М.Мусаханова. Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 2020. №6. — 222-224 б. 7.

⁶ Healey, M. (2005). Linking research and teaching to benefit student learning. *Journal of Geography in Higher Education*, 29 (2), 183-201

Биринчидан, талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишлар талабанинг етарли ваколатини намойиш этиши;

Иккинчидан, ижодий характерга эга бўлиши, талабанинг мустақиллиги ва когнитив фаоллиги даражасини намоён этиши;

Учинчидан, ўқув, илмий ва (ёки) амалий йўналиш ва аҳамиятга эга бўлиши;

Тўртинчидан, талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4433-сонли Қарори
2. Самостоятельная работа студентов в условиях многоуровневого педагогического образования / сост. Ф. К. Савина. — Волгоград: Перемена, 1993.
3. Наумова Л. К. Организация самостоятельной работы магистрантов: направление «Педагогика»: диссертация ... кандидата педагогических наук / Л. К. Наумова. Санкт-Петербург, 2006. 169 с
4. Г.М.Мусаханова. Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 2020. №6. — 222-224 б. 7.
5. Р.Р.Хусаинов. Олий таълимда фанларни ўқитиш сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли // Замонавий таълим. 2016. №4. — 25-32 б.
6. Healey, M. (2005). Linking research and teaching to benefit student learning. *Journal of Geography in Higher Education*, 29 (2), 183-201